



УМУМИЙ ХАРАЖАТЛАР ҲИСОБИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИ ТУРИЗМ ВА МЕҲМОНХОНАЛАРДА ҚЎЛЛАБ – ҚУВВАТЛАШ

и.ф.н., доцент **Рафеев Даврон**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

ORCID: 0009-0008-8641-1949

davronrafeyev@gmail.com

Аннотация. Ушбу мақолада туристик-меҳмонхона мажмуаларида ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳамда умумхўжалик харажатлари ҳисобини такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Туристик-меҳмонхона субъектлари харажатларини таснифлаш, тан олиш, ҳисоб-китоб қилиш, тақсимлаш ҳамда улар ҳисоби методологик асосларини такомиллаштиришга оид таклиф ва тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: туристик-меҳмонхона, умумхўжалик харажатлари, даромад ҳисоб, ҳисобот субъект хизмат, меъёрий ҳужжатлар.

ПОДДЕРЖКА И СОДЕЙСТВИЕ РАЗВИТИЮ И СОВЕРШЕНСТВУ УЧЕТА ЗАТРАТ В ТУРИЗМЕ И ГОСТИНИЧНОМ БИЗНЕСЕ

к.э.н., доцент **Рафеев Даврон**

Самаркандский институт экономики и сервиса

Аннотация. В данной статье рассматриваются вопросы совершенствования учета вспомогательных производственных и общеэкономических затрат в туристических и гостиничных комплексах. Предложены и рекомендованы методы классификации, признания, расчета и распределения затрат туристических и гостиничных предприятий, а также усовершенствованы методические основы их учета.

Ключевые слова: турист-отель, общие экономические расходы, счет доходов, отчетность по предметной сфере услуг, нормативные документы.

SUPPORTING AND PROMOTING THE DEVELOPMENT AND IMPROVEMENT OF COST ACCOUNTING IN TOURISM AND HOTEL BUSINESS

Doctor of Economics, Associate Professor **Rafeev Davron**

Samarkand Institute of Economics and Service

Abstract. This article examines improvements in the accounting of ancillary production and general economic costs in tourism and hotel complexes. Methods for classifying, recognizing, calculating, and allocating costs for tourism and hotel enterprises are proposed and recommended, and the methodological framework for their accounting is refined.

Key words: tourist hotel, general economic expenses, income account, reporting on the subject area of services, regulatory documents.

Кириш.

Туристтик-меҳмонхона мажмуаларида кўрсатилаётган хизматлар таннархи кўп жиҳатдан уларда ёрдамчи ишлаб чиқариш ҳамда умумхўжалик харажатлари ҳисобини тўғри юритилишига ҳамда ушбу харажатларни фаолият турлари ўртасида асосли равишда тақсимланишига боғлиқ. Ушбу мақсадга эришиш учун, авваламбор, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва умумишлаб чиқариш мақомига эга бўладиган бўлинмаларни ёки жавобгарлик марказларини аниқ белгилаб олиш лозим.

Адабиётлар шарҳи.

Бухгалтерия ҳисоби ва аудитни ташкил этиш масалалари хорижий олимлардан Абдрасулова (2005), Бургонова ва Каморджонова (1998), Герасимова (1996) кабиларнинг, мамлакатимиз олимларидан Абдукаримов, Абдуллаев, Дусмуратов, Мусаев (2003), Мухаммедов, Уразов, Хасанов, Қурбанов, Тухлиев, Наврўз-зода каби олимларнинг илмий изланишлари муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда қуйидаги олимларнинг фикрлари муҳим аҳамият касб этади деб ҳисоблаймиз.

Абдуллаев ва Исмоиловлар (2001) хўжалик юритувчи субъектларни таснифлашда 2 та мезон, яъни (1) корхонанинг тармоқ ёки соҳага қарашлиги; (2) корхонада ишловчи (банд)лар сони олиниши лозимлиги эътироф этганлар. Улар, чунончи, корхоналарни тармоқ ёки соҳага қарашлигига кўра қуйидаги 5 та гуруҳга ажратганлар: 1.Саноат, қурилиш, транспорт; 2. Қишлоқ хўжалиги; 3.Улгуржи ва чакана савдо; 4.Хизмат кўрсатиш ва «сервис»; 5.Фан ва илмий хизмат.

Мусаев (2003) корхона ва ташкилотларни назорат субъекти сифатида қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий шаклларга ажратган: хусусий корхоналар; давлат корхоналари; ширкатлар; ижара корхоналари; қўшма корхоналар; акционерлик жамиятлари; масъулияти чекланган жамиятлар; деҳқон ва фермер хўжаликлари ва бошқалар.

Тошматов (2008) ўзининг “Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли” монографиясида корхоналарни бизнес, тадбиркорлик бирлиги сифатидаги таснифий асосларини бошқа олимлардан фарқли ўлароқ кенгроқ очиб берган.

Тадқиқот методологияси.

Янги Ўзбекистоннинг туризм соҳасини пандемиядан кейин қайта тикланиш даврида зарур бўлган туристик-меҳмонхона мажмуаларида фаолият турлари таннархини аниқлаш тартибини такомиллаштириш бўйича тадқиқот иши давомида кузатиш, қиёслаш, тизмили ва қиёсий таҳлил каби усуллардан фойдаланилган.

Таҳлил ва натижалар.

Туристтик-меҳмонхона мажмуаларида ёрдамчи ишлаб чиқариш деганда туристик ва меҳмонхона хизматларини кўрсатишда бевосита ва билвосита иштирок этадиган ёрдамчи ҳамда хизмат кўрсатувчи бўлинмаларнинг фаолияти тушунилади.

Туристтик-меҳмонхона мажмуаларида ёрдамчи ишлаб чиқариш бўлинмаларига қуйидагилар киради:

(1) овқатлантиришни ташкил қилиш ва товарларни сотиш бўлинмалари (овқат, нон ва нон маҳсулотлари, кондитер маҳсулотлари тайёрлаш бўлинмалари, ресторан, кафе, бар, буфет, магазин ва бошқалар);

(2) энергиянинг турли хиллари (электр энергияси, буғ ва бошқалар) билан таъминлаш бўйича хизматларни кўрсатувчи бўлинмалар;

(3) транспорт хизматларини кўрсатувчи бўлинмалар (автохўжалик, гараж, устахоналар);

(4) кир ювиш ва буюмларни тозалаш ишларини олиб боровчи бўлинма;

(5) турли хордиқ чиқариш тадбирлари ва ўйинларини уюштирувчи бўлинмалар (бильярдхоналар, автомат-ўйинлар хонаси, сауналар, интернет-клуб ва бошқалар);

(6) алоқа бўлими;

(7) тиббий ва санитария-гигиена, канализация ва бошқа турдаги хизматларни кўрсатиш бўлинмалари.

21-сон БҲМСда келтирилган ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобини юритиш тартиби умумий характерга эга бўлиб, улар бевосита туристик-меҳмонхона субъектларининг ўзига хос ёрдамчи хўжаликлари хусусиятларини тўлиқ қамраб олмайди. Шу боис, фикримизча, 21-сон БҲМСда келтирилган умумий тартибларга асосланган ҳолда туристик-меҳмонхона мажмуаларининг ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини тармоқ аҳамиятига молик юқорида таклиф этилган 2300 «Ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» тизимида очиладиган алоҳида счётларда олиб боришни мақсадга мувофиқ, деб биламиз.

Шуни таъкидлаш жоизки, туристик-меҳмонхона мажмуаларида юқорида номлари келтирилган ёрдамчи хўжаликлари харажатларининг бевосита у ёки бу фаолиятга тегишли қисмини ҳар бир тасдиқловчи ҳужжатлар асосида аниқлаб олишнинг тўлиқ имкони мавжуд эмас. Чунки, кўп турдаги харажатларни акс эттирувчи ҳужжатларни хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, масалан, «Сувоқова», «Электртаъминот», «Газтаъминот» ва бошқалар туристик-меҳмонхона мажмуаларига яхлит тарзда тақдим этадилар. Ушбу харажатларни фаолият турлари ўртасида тақсимлаб чиқишни бевосита туристик-меҳмонхона мажмуаларининг ўзи амалга ошириши лозим бўлади.

Бизнингча, туристик-меҳмонхона мажмуаларида ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини фаолият турлари ўртасида тақсимлаб чиқишда қуйидаги мезон ва тартибларни ўрнатиш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, бевосита у ёки бу фаолиятга тегишлилиги аниқ бўлган ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини тасдиқловчи ҳужжатлар асосида ушбу фаолият турларининг таннархига тўғридан-тўғри олиб бориш лозим.

Иккинчидан, барча фаолият турларига доир бўлган харажатларни улар ўртасида тақсимот учун асос қилиб олинган базовий кўрсаткичга мувофиқ тақсимлаш мақсадга мувофиқ. Фикримизча, туристик меҳмонхона мажмуаларида бошқа тармоқ субъектлари сингари ёрдамчи ишлаб чиқариш харажатларини фаолият турлари ўртасида улардан олинган соф тушумнинг жами тушумдаги ҳиссасига пропорционал тарзда тақсимлаш энг рационал усул ҳисобланади.

Туристик-меҳмонхона мажмуаларида умумишлаб чиқариш характерига эга бўлган харажатлар ҳисоби 2500 «Умумишлаб чиқариш харажатларини ҳисобга олувчи счётлар» тизимида алоҳида олиб борилиши лозим. Ушбу счётлар тизимида очиладиган махсус счётларда қуйидаги харажатларни акс эттириш мақсадга мувофиқ:

а) кўтариш ва тушириш ускуналари (лифт хўжалиги)ни сақлаш ҳамда уларни эксплуатация қилиш харажатлари;

б) туристик ва меҳмонхона хизматларига доир асосий воситаларни таъмирлаш харажатлари;

в) мол-мулкни суғурталаш харажатлари;

г) ишлаб чиқариш биноларини иситиш ва сақлаш харажатлари;

д) туристик ва меҳмонхона хизматлари учун фойдаланиладиган мол-мулкни ижарага олиш харажатлари;

е) умумишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

Ҳисобот оyi мобойнида туристик-меҳмонхона мажмуаларининг барча умумхўжалик харажатларини 2510 «Умумишлаб чиқариш харажатлари» счётининг дебетида жамлаш, ой охирида эса ушбу харажатлар ҳисоб сиёсатида келтирилган

тартибга мувофиқ туристик хизматлар (2010 счёт), меҳмонхона хизматлари (2020 счёт), ёрдамчи ишлаб чиқариш (2310 счёт) ҳамда маъмурий-бошқарув (9420 счёт) харажатларига махсус тақсимот асосида олиб борилиши лозим.

Бизнингча, амалдаги 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома» ҳам туристик-меҳмонхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматларнинг сотиш таннархи тўғрисидаги ахборотларни тизимли равишда акс эттириш имконини бермайди. Ушбу маълумотларни тизимли шакллантиришга эришиш учун, фикримизча, тармоқ счётлар режасида биз томонимиздан тавсия этилаётган счётларни назарда тутиш мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Туристтик-меҳмонхона хизматларини кўрсатувчи субъектларда харажатлар ҳисобининг муҳим долзарб масалаларидан бири бўлиб яқунланган ҳамда яқунланмаган хизматлар таннархи суммасини аниқлаш, шунингдек уларни ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш масаласи бўлиб қолмоқда. Изланишлар, аксарият хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳалари субъектларида 2000 «Асосий фаолият турларини ташкил қилувчи хизматлар таннархига кирувчи харажатлар ҳисоби учун мўлжалланган счётлар»да ҳисобот даврлари (ой, чорак, йил) охирида қолдиқ йўқлигини, шунингдек мос равишда бухгалтерия балансида яқунланмаган хизматлар суммаси мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда. Бундай ҳолатлардан, табиий равишда, турли саволлар туғилади, чунончи: (1) наҳотки, туристик-меҳмонхона мажмуаларида яқунланмаган хизматлар харажатлари бўлмаса? (2) туристик-меҳмонхона субъектларида хизматлар бир ойда бошланиб, кейинги ойда яқунланганда, мос равишда даромадлар хизматлар тўлиқ тугалланиш усулига асосан кейинги ойда тан олинганда, биринчи ойда кўрсатилган хизматларга маълум миқдорда қилинган харажатлар шу ой охирида яқунланмаган хизматлар харажатлари сифатида ҳисобда туриши керак эмасми?

Фикримизча, бир ойда бошланиб, иккинчи ойда яқунланган хизматлар бўйича даромадларни тўлиқ тугалланиш усулида ҳисоб ва ҳисоботда акс эттираётган субъектларда яқунланмаган хизматларга тўғри келадиган харажатлар қолдиқ сифатида ҳисоб ва ҳисоботда акс эттирилиши лозим. Бу тартибга амал қилинмаслик бухгалтерия ҳисобини юритишда ҳисобот даври даромадлари ва харажатларининг мослигини таъминлаш тамойилининг бузилишига, яъни хизматлар кўрсатиш бошланган ойда ҳисоботга харажатларни олинган даромадлардан кўп бўлган миқдорда киритилишига олиб келади. Бу, ўз навбатида, ҳисобот даври, чунончи ҳисобот йили якуни бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботда нафақат сотишдан олинган молиявий натижа, яъни фойда ёки зарар суммасини, балки унинг бошқа кўрсаткичларини ҳам нотўғри шакллантирилишига олиб келади.

Юқоридаги номуносивликлар ва чалкашликларнинг олдини олиш мақсадида бир ойда бошланиб, иккинчи ойда яқунланган хизматлар бўйича даромадларни тўлиқ тугалланиш усулида ҳисоб ва ҳисоботда акс эттираётган субъектларда яқунланмаган хизматларга тўғри келадиган харажатларни қолдиқ сифатида ҳисоб ва ҳисоботда акс эттириш тартиб-қоидаларини республикамиз меъёрий ҳужжатларида, чунончи «Маҳсулот (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида Низом»да ёки ушбу Низом асосида ишлаб чиқиладиган тармоқ низомида, шунингдек 21-сон БҲМС «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлар режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома»да ёки ушбу стандарт асосида ишлаб чиқиладиган тармоқ счётлар режасида назарда тутиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

Туристтик-меҳмонхона мажмуаларида яқунланмаган хизматларга тўғри келадиган харажатлар суммасини, фикримизча, қуйидаги кетма-кетликда аниқлаш мақсадга мувофиқ.

Биринчидан, ҳисобот даврида (ойда) субъектнинг хизматлар таннархига киритиладиган барча харажатларини уларни акс эттиришга мўлжалланган мос счётларнинг дебетида тўплаш лозим;

Иккинчидан, хизмат турлари бўйича уларнинг бир бирлигига тўғри келадиган ўртача таннарх суммаси топилиши керак. Мисол учун, туристик хизматлар бўйича унинг бир бирлиги бўлиб, юқорида таъкидланганидек, 1 кишига тўғри келувчи турмаҳсулотнинг таннархи ёки турмаҳсулотнинг ўртача 1 кунлик таннархи олиниши мумкин. Бир бирлик хизматнинг ўртача таннархи ушбу хизмат тури таннархига киритиладиган харажатларни акс эттиришга мўлжалланган мос счётнинг давр бошидаги қолдиғи ва дебет обороти суммалари йиғиндисини ҳисобот даврида хизмат кўрсатилган туристлар ёки меҳмонлар сонига бўлиш орқали топилади.

Учинчидан, ҳисобот даврида яқунланган хизматларга тўғри келувчи ҳақиқий таннарх суммаси аниқланиши лозим. Бунинг учун хизмат турлари бўйича уларнинг 1 бирлигига тўғри келадиган ҳақиқий суммаси шу ҳисобот ойида хизмат кўрсатилган туристлар ёки меҳмонлар сонига кўпайтирилади. Ушбу топилган сумма хизмат турлари таннархига киритиладиган харажатларни акс эттиришга мўлжалланган мос счётларнинг кредитига ёзилади.

Тўртинчидан, яқунланмаган хизматларга тўғри келувчи харажатлар суммасини топиш учун хизмат турлари таннархига киритиладиган харажатларни акс эттиришга мўлжалланган мос счётларнинг давр бошидаги қолдиғи ва дебет обороти суммалари йиғиндисидан уларнинг кредитига ёзилган сумма айрилиши керак. Шу йўл билан топилган сумма хизмат турлари таннархига киритиладиган харажатларни акс эттиришга мўлжалланган мос счётларнинг давр охиридаги қолдиғи, яъни яқунланмаган хизматлар таннархи сифатида ҳисобда акс эттирилиши лозим.

Хулоса ва таклифлар.

Хизмат турлари таннархига киритиладиган харажатларни акс эттиришга мўлжалланган барча счётларнинг давр охиридаги қолдиқлари йиғиндиси бухгалтерия балансида яқунланмаган хизматларга тўғри келувчи харажатлар сифатида кўрсатилиши керак.

Фикримизча, туристик-меҳмонхона субъектлари харажатларини таснифлаш, тан олиш, ҳисоб-китоб қилиш, тақсимлаш ҳамда улар ҳисоби методологик асосларини такомиллаштиришга оид юқорида билдирилган таклиф ва тавсияларимиз ушбу соҳада ҳозирги кунда мавжуд бўлган муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

Адабиётлар/Литература/References:

Абдрасулова Ж. *Бухгалтерский учет в туризме и гостиничном бизнесе. Учебно-практическое пособие.* Караганда, 2005. –105 с

Абдуллаев О. Исмоилов Р. *Кичик ва ўрта бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма.* – Наманган. 2001. – 13-14-б.

Бургонова Г.Н., Каморджанова Н.А. *Бухгалтерский учет и отчетность в туризме. Учебное пособие* - М.: НОЛИДЖ, 1998. - 272 с

Герасимова А., Скапенкер М. *Туристический бизнес: особенности бухучета и налогообложения.* // Ж. Экономика и жизнь, № 14, 1996.

Мусаев Х.Н. *Аудит. Дарслик.* – Т.: “Молия”. 2003. – 9-б.

Тошматов Ш.А. *Корхоналарни ривожлантиришда солиқлар роли.* – Т.: «Fan va texnologiya», 2008. – 16-б.